№ 71 (2640) - son

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

2009-yil

| D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S | Ch | P | J | Sh | Y | D | S |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

Iyun

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: mail@ishonch.uz * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Ҳикмат излаганга ҳикматдир ДУНЁ



САҲИФАЛАРДА




Отамнинг ўгитлари 5



Экоҳаракат 11



Ўтиш даврининг товуғи 12



«Чито гверито чито маргалито...» 15

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Яхшилик йўлида шошилиб...

Бу воқеага анча йиллар бўлган. Хуррам Тошкент тиббиёт институти клиник ординатурасини битириб, туғилиб ўсган юртига ишга келган даврлар. Ўша вақтларда олис туманларда олий маълумотли шифокорлар етишмас, навбатчи врач чақирув бўйича тоғ қишлоқларига бот-бот боришига тўғри келарди.

Бир гал ҳам шундай бўлди. Туман марказидан анча олисда жойлашган Оққишлоққа касал кўргани чақиришди. Йўллар уйдим-чуқурлигидан эски «тез ёрдам» машинаси қир-адирлар оралаб туртиниб-суртиниб чумолидай ўрмалаб борар эди. Буни қарангки, манзилга 5-6 километр қолганда ёқилғи тугаб қолди. Теварак-атроф кимсасиз, зоғ ҳам учмайди.

— Нима қилсак экан? — дея ёрдамчи фелдшер докторга савол назари билан тикилди. — Қуёш ҳам ботай деяпти. Вақтни бой бермаслик керак.

— Кетдик, — деди врач ҳамроҳига. — Бу ерда қўл қовуштириб ўтираверсак, беморнинг аҳволи янада оғирлашади.

Бир соатларда чақирилган хонадонга етиб боришди. Уй тўрида ётган бемор ҳансираб, чуқур-чуқур нафас оларди.

Шошилинч муолажалар ўтказилгач, касал кўзини очиб, оқ халатли халоскорларга умид билан тикилди.

Кўп ўтмай, ёқилғи топган машина ҳам етиб келди.

— Беморни касалхонага ётқизмасак бўлмайди, — деди Хуррам уй эгаларига. — Шифохонада врач назоратида даволаймиз. Худо хоҳласа, кўрмагандек бўлиб кетади.

Ўша бемор — Эшқувват ака Хуррам доктор қўлида дарддан фориғ бўлди. Шу-шу халоскорини йўқлаб, тез-тез келиб туради. Ўзи ҳам доктор билан тенгдош. Бу йил роппа-роса олтмишга кирди. Дўстини табриклагани унинг юбилейига ташриф буюрди.

— Шифокор ўзи ёниб, ўзгалар йўлини ёритади, — дейди оппоқ соқоллари ўзига ярашиб турган Эшқувват бобо дўстини бағрига босар экан. — Минг шукурки, олти фарзандим, йигирмадан ортиқ набирам бор. Одамлар бахтига шифокор дўстимиз омон бўлсин.

Исми-жисмига монанд Хуррам ҳазилкаш, дилкаш инсон.

...Тоғлар бағридаги Белибойли қишлоғида таваллуд топган Хуррамнинг болалиги силлиқ кечмади. Отаси Шомурод бобо ҳаётдан эрта кўз юмди.

Фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, етимлигини билдирмай вояга етказган Ойсулув момо ҳозир тўқсонга яқинлашиб қолган.

Чорак асрдан бери Деҳқонобод туман тиббиёт ходимлари касаба уюшма қўмитасига раислик қилаётган Хуррам Зулфиқоровни ташкилотчи ва ташаббускор ходим, қўли енгил жарроҳ сифатида билишади. У доимо инсонларга наф келтириш ташвиши билан яшайди. 1400 нафар аъзоси бўлган туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва интеллектуал ҳуқуқларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланган.

1968 — 1974-йилларда Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факултетини тугатиб, қишлоқ касалхонасида жарроҳ сифатида иш бошлаган Хуррам Зулфиқоров касб сирларини ёшларга қунт билан ўргатиб, кўплаб шогирдларни катта ҳаётга йўллади. Қашқадарё вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказининг туман филиали бошлиғи Нормурод Умаров, тажрибали врачлар Бахтиёр Қаҳҳоров, Шавкат Амиров, Бахтиёр Мейлимуродов, ширинсухан ҳамширалар Дилфуза Ҳайитова, Қизларгул Мирзаевалар унинг шогирдлари ҳисобланади.

Жонкуяр раис касаба уюшма ташкилоти ишларини олиб боришда қўмита аъзолари Қулмуҳаммад Ўтанов, Ҳалим Худойназаров, Нигора Ҳасанова, Исоқ Мамадалиев, Нурали Ҳамроевларнинг кўмагига таянади. Шу боис туман тиббиёт ходимлари вилоят миқёсида ўтказилаётган спартакиадада беш йилдан бери ғолибликни қўлдан бермай келишаяпти.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича «Энг яхши жамоатчилик назорати» танловида совринли ўринни эгаллаб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.



— Касаба уюшмаси аъзоларининг касб, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш учун масъулдир, — дейди қўмита раиси. — Асосий эътибор ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатни муҳофазалаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш, оилавий аҳволи ночор ва кам таъминланган фуқароларга ҳар томонлама ёрдам уюштириш ҳамда бошланғич ташкилотларнинг иш услубини такомиллаштиришга қаратилган. Иш берувчи ва касабақўм томонидан йил бошидан бери ходимларга 4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қорашина қўрғонининг Ашур Хушвақтов номли маҳалласида яшовчи Хуррам Зулфиқоров юртдошларининг тўй-маъракасида бошқош. Умр йўлдоши, педагог Каромат Абдуллаева билан икки қиз, икки ўғилни эл корига ярайдиган оқил фарзандлар қилиб тарбиялаган.

Тўнғичи Наргиза ота касбини эгаллаган бўлса, катта ўғли Арслон тадбиркор, Нигора молия-ҳисоб мутахассиси, кенжаси Шерзод юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик институтида ёшларга сабоқ бермоқда. Бир-биридан ширин набиралари бор, бахтиёр бобо улар тимсолида юрт истиқболини кўриб қувончдан энтикади.

...Одати бўйича у ҳар тонг қирқ йилдан бери қатнаб ўрганиб қолган туман марказий шифохонасига йўл олади. Орзиқиб кутаётган одамлар ҳузурига ошиқади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

**Ҳар бир киши ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Умр эса оқар сувдек гап. Зеро одамлар дарду ташвиши, ғами билан яшайдиган инсон учун унинг ҳар лаҳзаси ғанимат. Асли қашқадарёлик бўлган Маннон Курбонов Самарқанд заминига меҳр қўйди. Шу ерда ўқиб, улғайди. Туп қўйиб, палак ёзди**



# Ўз ўрнида керак одам



Ўттиз беш йиллик фаолиятини жамоат ишига бағишлаган Маннон ака мудом изланишда. 1974 йили Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг меҳнат назоратчиси сифатида иш бошлади. Ходимларга қулай шароит яратиш, турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш йўлида самарали меҳнат қилди. Иш ўринларини шаҳодатлаш, соҳа мутасаддиларининг бу борадаги билимларини ошириш учун тинмай изланди.

Фаолияти давомида уч мингдан ортиқ кўнгилсизликни бартараф этиш ўз кўмагини аямаган Маннон Қурбонов жабрдийдаларнинг чинакам ғамхўридир. Унинг шахсий архивидаги мактублардан бирини қўлга оламиз.

«Сиз туфайли касаба уюшма органлари меҳнаткашларнинг чинакам ғамхўри эканлигини англаб етдик, — дейилади пастдарғомлик ногирон аёлнинг мактубида. — Танг аҳволда қолганимизда биз меҳнат қилган корхона мутасаддилари билан сўзлашиб, манфаатимиз йўлида ҳаловатдан кечдингиз. Оиламиз саъй-ҳаракатингиз натижасида қаддини тиклаб олди...». Бундай хатларни у ерда кўплаб учратиш мумкин.

Маннон аканинг ишбилармонлиги раҳбарларнинг эътиборидан четда қолмади. 1994 йили уни касаба уюшмалари вилоят кенгаши меҳнат техника назоратчиси лавозимига кўтаришди. Энди иш кўлами кенгайган, меҳнат жамоаларида хавфсизлик техникасига дахлдор ходимлар малакасини ошириш ҳам унинг зиммасида эди.

— Фаолиятим давомида иш берувчиларга меҳнат муҳофазасидан маблағни аямаслик кераклигини уқтириб келдим, — дейди Маннон Қурбонов. — Бу борада меъёрий ҳужжатларга амал қилганлар ютқазмади. Ахир, ходим жамоа учун, унинг манфаати, иқтисодий юксалиши учун ҳам ҳар томонлама соғлом бўлиши керак. Ана шу оддий ақидани англаган раҳбар бу борада зиқналикка йўл қўймаслиги аниқ.

Табаррук олтмиш ёш остонасида турган Маннон Қурбонов ҳамон сафда. У кейинги етти йиллик фаолиятини фермер хўжаликларига бахшида этди. Ахир, меҳнатни тўғри ташкил этиш, ходимнинг саломатлиги ҳимояси ишончли қўлларда бўлмоғи зарур. Бу борада Маннон акадек катта тажрибага эга инсонларга ҳамиша эҳтиёж сезилади.

**Садриддин АСЛИДДИНОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири**

***Манзилдан кейинги йўл?!. Ғалати ибора: турганибитгани парадокс. Шу пайтга довур бизни кўниктиришга уринилган тушунчалар мантиғи манзилдан сўнг йўл келишини ўзига сиғдиролмас, йўл манзилга элтувчи восита, манзил эса сўқмоқларнинг охиридир деб қаралар, аслида ҳам шундай эди. Мантиқан олганда, манзилдан кейин йўл бўлмайди, агар сўқмоқ шунда ҳам давом этса, бу маъво манзил эмас, бекат деб аталади. Модомики, йўл якун топмаган экан, демак, бу сўқмоқ-да ҳали поёнига етгани йўқ, ёки бошқача айтганда, бошланган йўлгина тугайди. Қолаверса, манзил деганлари ҳам жуда нисбий тушунча: у кимнингдир наздида якун, ким учундир бекат, яна кимгадир ибтидо саналади.***




# Манзилсиз йўл тугамайди

## Жуманазар БЕКНАЗАРнинг «Манзилдан кейинги йўл» асарини ўқиб...

Йўл тақдир чизиқларидай ғадир-будур, чалкашган... Бу ҳам камдек на борса келар, на борса хатар ва на борса келмас эди. Чумоли галасидай рақам унутган одамлар тўдаси бетиним у ёқдан бу ёққа ўтишаркан, Якка Сўқмоқ пойида бир Зиёли тўрда нур таратиб турган Илм гули қаршисида умидбахш титроқ либосига ўраниб турар, бу чечакка ёвуқ келгани сари *«қалбида аллақандай таъсирли, тушуниб бўлмас даражада илиқ, ўта ёқимли шодиёна инжа кайфият туғилаётганини, бу кайфият дилининг энг нозик нуқталарини мастона қитиқлаб инжу сезгиларини уйғотаётган»*ини сеза бошларкан, Яқинлашмоқ Машаққати тобора авжланарди. Зиёлининг ақлу ҳушини олган Илм гулидан анча узоқда одамлар сояси элас-элас кўзга ташланар, уларнинг кўпчилиги нафис чечакка лоқайд тикилиб турса, баъзилари унга интиқлик билан термулишдан ортиғига имкон тополмай иложсиз ўкинар, бармоқ билан санарлиларгина Илм гули томон *«гўё оёқларига занжир билан темир ғўлалар боғлаб қўйилгандек оғир-оғир қадам ташлардилар»*...

...Атрофини одамлар ўраб олган Илм гули — ягона. Айнан шу ҳол Зиёлини ажаблантиради. *«Имкони бўлса, бу Гулнинг уруғидан кўпроқ йиғиб одамлар устига сочиб юборилса, балки кишилар орасида ўзаро юксак ишонч пайдо бўлиб, ғийбат, ғараз, ғирромлик, алдамчилик йўқолиб, инсоф ва иймон ҳукмронлик қилармиди»* деган умидбахш хаёл кўнглидан ўтаркан, қорачуғлар тубида рақс тушаётган Меҳр мавжлари Зиёлининг кўнгил кемасини тўлқинлантиради:

***...Зангори осмонга***
***ўхшайди замон,***
***оппоқ тонг сингари***
***тиниқ, беғубор.***
***Мўйсафид замин***
***ҳам ўйлайди ҳамон —***
***ой юзида нега***
***ўпич изи бор?..***

Жамият пўртанаси тинмайди: барча ўз наздида ҳақ: кимгадир тегишли нарсани ўғирлаб қочиб кетаётган ўғрининг ҳам ўз ҳақиқати бор.

Бунинг менга қандай фойдаси бор?!.

Мана, улар нима деб шивирлашаётир. Одамлар учун бирламчи ўринда ўз манфаати туради. Нимагаки уринмасин, аввало, унинг моддий фойдаси қизиқтиради, холос. Ўзгалар учун яшаш эса уларнинг назарида... шунчаки эртак, туш, кўпикли ҳиссиёт...

«Мен» турли бўлакларга бўлинган: оиладаги юз, ишхонадаги қиёфа, кўчадаги башара... Асли қайси бири — англаш қийин.

Бизга таниш Зиёли эса шундай майда-чуйда таъма-ю манфаатлар қуршовида тобора ўзи-да увадаланиб бораётган одам тўдасининг чиринди анқиган «ҳаёт учун кураш» уфунотидан ажралиб, Ойдин Уфқ сари қадам ташларкан, «бу йўллар албатта бир ўтилғуси» шартлигини ўзида билгандай бўлади:

***Тошлардан яралган***
***тоғлар ястанур,***
***тоғ бўла олмаган***
***миллат ўртанур,***
***сен тоғсан, мен тоғман,***
***магар мингта нур***
***бера олсак-чи, эй,***
***минглар тоғланур —***
***шунда бир денгиздек***
***тошгайман, халқим!***

Тоғланиш!

Тош — шиддатнинг юксак нуқтаси. Тош — жипслик, бирлик, жамулжамлик... Тошлар йиғилиб тоғ бўлгани сингари МИЛЛАТ ўзагини ҳам орим деган ИНСОНлар белгилайди. Бу ОРнинг магнит майдони шунчалар кенгки, унинг доирасига бутун миллат жо бўлади. ОР — йўқотишдан қўрқиладиган «нима»дир. Унинг борлиги Инсонни ҳаракатга келтиради: ҳар тонг кўз очишга, мудом эгилишга маҳкум ҳақиқатни исботлашга уриниш учун ҳар лаҳза янгидан курашга киришга, ўз эркини намоён этишга... чақиравериди-чақираверади.

Тоғланолмаган қавмда эса сотқин кўп: бири юқорига интилса, албатта, ўз қавмдошлари оёғидан тортади.

*«Оппоқ соқоли оппоқ кийимига ярашган, оппоқ салласининг орқа тарафидан оқ кумуш сочлари чиқиб турган нуроний бўйра устига жойнамоз ташлаб саждага бошини қўйганда»* милтиқларини ўқталган нусхалар бостириб келишади ва улардан бири бованинг юзига мушт туширади. Нур таралиб турган қўлёзмаларни эса йиртиб-тепиб эзғилаб-парчалаб ташлашади: миллат ўқтомири битилган китоб хор бўлади.

*«Нуронийнинг орқасида кўзларидан ёш оқиб китоб қўлтиқлаб турганларнинг ҳам қўрқинчли хилватнинг музлаган совуқ занжирлари-ла ўраб ташланганлиги туфайли иложсизликнинг чуқур қатламлари орасидан чиқа олмаганликларидан қалблари изтиробга, аччиқ аламга тўлганлиги аниқ сезилар эди».*

Нуроний... милтиқлилар... Нурли Бовани қатағон машинасига солиб кетаётган пайтда нурсиз кўзларини лоқайд тикканча ҳаммасига бепарво қараган, ожиз минғирлаб ўзича унинг аҳволига ачиниш билан бирга ўзи шу вазиятда эмаслигидан «шукур» қилган, «баттар бўл» деб қисирона ҳиринглаган нусхалар... — ҳамма-ҳаммаси бир қавм эди. Ҳатто йиллар ўтиб «меҳробдан чиққан чаён» аждодлари бошига етган Нуронийга ҳайкал қўйиб оҳ-воҳ қилган ҳам шу қавмга тегишли: ўзингники ўзагингни кесса қийин экан.

Зиёли атрофига назар ташлайди: *«одамбашара кўланкаларнинг айиқ ёки тўнғизга, кўпроқ эса тулкига ўхшаб қолаётганини англади, сўнгра буни яққол кўрди. У узоқ тикилиб, бу башараларнинг жуда камлигини, шундай бўлса-да, уларга одамлар, айниқса, оппоқ кийинган оппоқ соқолли, қалин-қалин китобларни қўлтиқлаб олган нуроний қариялар ҳадик билан қарашиб, улардан нарироқ бўлишга ҳаракат қилаётганликларини пайқади».*

Кўланкаларнинг чирик қўллари...

Чиқинди уфуноти уфуриб турган мана шу қўллар ҳаммасидан кўра тезроқ бирлашади, қавмни ойдин водийларга унда(ёт) ганларни ўргимчак тўридай қамал қилади, инаётган нурнинг йўлини тўсмоқчи бўлади. Серилдиз Дарахтнинг кичкина томирлари бир томондан чириб келса-да, ўқилдиз ҳамон Айланаётган Сувдан узилмаган. Эҳтимол, *«чириш жараёнини тезлаштириш»* лозимдир.

Одам — Шахс — Инсон...

Уч водийки, ҳам бекат, ҳам манзилдир.

Азалдан тезланиш олган Одамзод абадга қадар Инсонлик Уфқини қора тортиб бетиниму бетизгин йўл босади.

Зиёли кўланка(лар)аро Тафаккур қасри томон вазмин одимларкан, халқининг бағридай кенг ва поёнсиз даланинг анча юзасини жиғилдонигагина сиғинадиган қарғалар эгаллаганини кўради. Ҳали ҳайронлик чопонига ўранмай туриб, бир-бирининг думини ғажишга ишқибоз тулкиларга-ю суяк илинжида ҳар нимага тайёр итларга нигоҳи тушади.

Тафаккур қасрига элтувчи йўлни шулар эгаллаб олса, яна қанча вақт сабр қилиш мумкин?

***О, чидарман, дўстим,***
***чигал бу ўйин,***
***бардошлар макони***
***ҳаётдир асли.***
***Дунё — сирли, аммо***
***чидамоқ қийин***
***бошланса Ватанда***
***ёлғонлик фасли...***
***Чидаш мумкин***
***қолган имтиҳонларга!***

Тўда бўлиб югурадиган бу қавмни бешигида шайтон чалиб кетганми, гуруҳланишдан бошқасини билмайди. Саҳро оралаб карвон йўлга чиқса, оқ йўл тилаб кузатганлар мешдаги сувга қорадори қўшиб қўяди... бутун карвонга аталган сувни битта тантиқ бойвачча ичиб қўя қолади... жаҳаннам азобидан қутқараман деган фикри тийрак йигитнинг гапини хилватда диққат билан тинглаётган Карвонбошининг бир қўли мудом яктак остидаги ханжарда бўлади...

...Хайриятки, бу карвонда ўша Зиёли Йигит бор экан: кўзи янтоққа тушади-ю, замин бўйлаб айланадиган сувдан узилмаган ўсимлик томирини мўлжаллаб қудуқ қазадилар ва... карвон ташшуви деганидир. Бу сатҳга эса лаҳзааро фитна, алдов ва ғийбат... кесаклари отилади. Маъни Ҳовузининг тиниқлиги учун ҳар нафасда курашаётган Зиёли эса қайтиш фурсати — Самода нур сочиб турган кавкабистон аро энг ойдин юлдузлардан бирига дўниш вақти етганини ўзида туяркан, ортидан сон-саноқсиз Нурли Йўловчилар ишонч билан Тафаккур қасри томон вазмин одимлаб келаётганини кўради:

***Толиқдим... Чарчадим...***
***Чўкди матонат,***
***куч, ирода сўнди,***
***билмайман, нетай?!.***
***Мендан ўтган бўлса...***
***тугади суҳбат,***
***узр энди, дўстлар,***
***энди мен кетай!..***

* * *

Бошланган йўл давом этади, тугайди...

Манзилу бекат, йўлу йўлдош... — нисбият камалагида товлангувчи бир ранг эканки,

налик балосидан қутулиб қолади. Бироқ ачинарлими — табиийми — ёзуқлими... ҳайтовур бу карвондаги кўп йўловчилар ҳали ҳам ўзи ўралган қобиқдан ташқарига чиқиш учун катта маънавий инқилоб кераклиги-ю, ҳаётнинг илгариланма ҳаракатига ҳисса қўшишни туш ҳам кўрмай, ҳаммасига нурсиз кўзларини лоқайд тикиб турибди, холос...

*«Ҳар қандай одам руҳий қувват олмоғи учун унинг тафаккури Коинот билан алоқа боғлайди. Алоқа боғлангач, Коинот сигналлари Инсон боши тепасидаги сочлар айланмаси — ўролга айланган доирачадан Мия қатламларига кириб сингийди. Сигналлар қанчалик кучли бўлса, олинажак руҳий қувват ҳам шунчалик кўп бўлади»*...

Инсон руҳи билан Қуёш чигали ўртасида мунтазаму мустаҳкам алоқа мавжудки, бу *«муносабат муддатининг қанча вақт давом этиши бандасига маълум эмас»*. Қуёш чигали эса *«инсон кемирчагининг ва умуртқа устунининг бир-бирига тўғри келадиган тўғри сатҳда, умуртқа устунига яқин ўринда»* жойлашган. *«Қуёш чигали инсон руҳи ўзлаштирганларидан ортган Коинот сигналлари қувватини ўзига олиб, уни заҳирада сақлайди. Руҳ ўзлаштирилмаган қувват қанчалик кўп бўлмасин, қуёш чигали ундан фойдалана олмайди, руҳ ўзлаштирмаса, қабул қилмаса, қуёш чигали қувватсиз қолаверади»*...



Одамзод билан Борлиқ ўртасида мангу ришта мавжуд. Унинг узайиши Маъни Ҳовузидаги ҳаловат сатҳининг тиниқлабари Одамзодни ҳаракатлантираётган ўзқудрат туфайли экан.

Демак, йўл босилган тақдирда манзиллар кўп ва хўп экан... Демак, ўлим — тананинг руҳни тарк этиши — сўнгги якун бўлолмас экан... Демак, руҳ — тирик ва... унинг жавҳари ҳаракат экан... Демак, ҳар биримизнинг ЎЗ вазифамиз мавжуд ва Одамзод уни англамай туриб ҳали яшашни бошламас экан... Демак, Охирги Кун — ҳозирги, мана шу лаҳза(миз) бўлиши ҳам мумкин экан... Демак, лаҳза қадар ЎЗ миссиямизни ўташга уринишимиз шарт экан... Демак, БАРЧАси ёзилган эса-да, ЛАВҲни ўқиш, уқиш, ўзлантириш... имконияти ОДАМЗОДнинг ЎЗида қолдирилган экан...

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Жуманазар Бекназарнинг «Манзилдан кейинги йўл» ***(«Янги аср авлоди» нашриёти. Тошкент. 2009 й.)*** асаридаги Зиёли образида миллий уйғониш даври адабиётининг жонкуяр олими марҳум Бегали Қосимов феномени («бу юлдуз Бегали Қосим бўлади») акс этган. Бу феномен қамрови шунчалар кенгки, унинг доирасига элим деган фарзанд тийнати жо бўлади.

Ҳаммасини мен айтсам, қизиғи қолмайди. Яхшиси, ушбу асарни ўзингиз ўқиб чиқинг.

**Умид ЯЪҚУБОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Осмон қўлингда бўлса...



**Инсон феъли турланувчан. Агар эзгу сифатлар билан меъёрий ҳолат сақланиб турилмаса, нималар бўлиши фақат Яратгангагина аён.**

**Келинг, бир ҳолатни тасаввур этишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Энг яқин дўстингизга кун келиб мансаб тегди ёки пулдорга айланди-ю унча-мунчани писанд қилмай қўйди. Бу ҳолат албатта, оғир ботади. Сизга нисбатан озгина менсимаслиги, кўрслиги юрагингизга камон ўқи бўлиб санчилади.**

Бировдан озгина жабр кўрсак, ранжиймиз. Ўзимиз бировни оғринтирсак, сезилмайди. Бундай ҳолат барчамизнинг ҳаётимизда юз бериши мумкин. Бу жараён шу даражада табиий кечадики, димоғдорлик, манманлик худди шундай бўлиши керакдек туюлади. Шунга ўзингизни ҳақлидек ҳис қиласиз. Бундан худо асрасин.

Ҳа энди пули, мансаби бўлгач, ўзини кўп нарсага қодирдек ҳис қилади-да. Бу худди шаробнинг қўрқоқни ҳам мард қилиб юборишига ўхшайди. Неча йиллик ҳаётий тажриба ва ақл қаергадир ғойиб бўлади. Шунда беихтиёр нафрат аралаш «Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор!» деган хитоб бўғзингизга тиқилади.

Нафс бор экан, бу ҳол болалайверади. Аксинча бўлганида, фожеали, бутун тарихга, даврларга таъсир ўтказган хатолар юз бермасмиди...

Жуда катта ҳудудни босиб олган, чексиз қудратга эга бўлган Искандар ўзи билан «у ёққа» ҳеч нарса олиб кетолмади. Ўзини «Искандари соний» деб атаб, катта кетган Хоразмшоҳ мўғуллар бостириб келганда «қўлидаги осмон»ни ташлаб қочди. Ҳазрат Навоий «қўли осмонда» ота-ўғил ҳукмдорларни яраштираман деб умрининг охиригача заҳмат чекди. Бу каби воқеаларни тарихдан истаганча топиш мумкин.

Феъли кенглик, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзлигини асраб қолиш хислати инсондаги теран тафаккурнинг қудратини билдиради. Бу борада ҳам дунё тамаддуни юксак натижаларга эришган.

Ҳисоб-китобли дунёда ҳар бир ҳаракатнинг жавоби бор. Машҳурлик чўққисига чиқиб, бирдан қулашлар, ҳашамат ичидаги бахтсизлик, мол-дунё, манманлик деб ўзига жабр қилаётганлар бунга мисол бўла олади. Атрофимиздагиларга нисбатан беписанд муносабатда бўлиш, кичкина ютуқдан ҳам ҳаволаниб, ўзимизга жабр қилишдан не фойда?

Қишлоғимизда бир мансабдор бўлгувчи эди. Худди «катта жой»ни эгаллаб қўйгандек, осмонга қараб юрар, атрофидагиларни писанд қилгиси келмасди. Аммо вақти келиб, мансабидан бўшагач, барча димоқ-фироқлар ғойиб бўлди. Одамлар ҳам алам устида юрган эканми, ишқилиб, анча муддат унга кун бермай қўйишди. Мана, сизга оддийгина сабоқ.

Хуллас...

Эҳтиёт бўлингки, дилозорлик доимий хислатингизга айланиб қолмасин. Барибир эзгуликнинг кучини синдира олмайсиз. Фақат кимларнингдир кўнглини қолдирганингиз, гуноҳга ботганингиз қолади. Осмон эса ҳамиша ўз ўрнида. Уни ҳали ҳеч ким қўлида тутиб тура олмаган.

**Т. АКМАЛОВ**

---

**«Отангнинг дўстлигини давом эткиз, уни узма, Аллоҳ нурингни ўчириб қўймасин».**

**ҲАДИСДАН**

**Аслида бирор воқеага муносабат билдириш ёки яқинлар ҳақида илиқ фикр айтиш унчалик қийинмасдир, лекин ота ҳақида гапириш мушкул иш... Бу — дунёда оталарга берилган таърифу-тавсифларнинг камлигиданмас. Назаримда, отанинг қандай зот эканлигини таърифлаш учун бу эътирофларнинг бари камдек туюлаверади. «Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир», «Ота рози — худо рози», «Ота ўтирган уйнинг томига чиқиб бўлмайди» каби ҳадисуҳикматлар отанинг нақадар улуғ зот эканидан далолатдир.**



# Отамнинг ўгитлари

Ҳамон ёдимда. Биз фарзандлар, айниқса, қизлар кўчада отамиз кўринди дегунча хоналаримизга кириб олардик. Албатта ундан қўрққанимиз ёки отамизнинг қаттиққўллигидан эмас, аксинча, унга бўлган ҳурмат туфайли шундай қилардик. Бунда онамизнинг ҳам ҳиссаси катта бўлар, бирор жойга боришни сўрасак, «отангдан сўра, жавоб берса, борингглар» дер, овозимиз баландроқ чиқса ҳам, «секинроқ гаплашинглар, отанг эшитиб қолади» дея бизни огоҳлантирарди.

Дарҳақиқат, ота ўгитлари фарзанд истиқболини таъминловчи асосий омиллардан. Отажоним бизга: «Болаларим, уйда қулдек, кўчада бекдек юринглар», — дея кўп таъкидларди. Болалик қилиб бу гапнинг мағзини чақолмасак, ўзи изоҳ бериб: «Уйнинг ҳам, кўчанинг ҳам ўз обрўйи бўлади. Мисол учун, уйда чангга беланиб бир иш қилаётган бўлсангиз, эскироқ кийимларни кийиб олсангиз ҳам айби йўқ, аммо кўчага чиққанда тоза ва озода кийимларни кийиб бекдек юриш керак», — дерди.

У «Одобни одобсиздан ўрган» деган ҳикматни кўп айтар, мен эса «одобни одобсиздан ўрганиб бўларканми?» дея ўйимнинг тагига етолмасдим. Аммо улғайгач, бу гапнинг ҳам мағзини чақдим.

«Оила ва жамият» газетасининг 2009 йил 22 апрел кунги сонида Саидвафо Бобоевнинг «Отанинг кўз ёши» мақоласини ўқиб кўнглимдан оғриқли кечинмалар ўтди. Мақоланинг ярмига келганда юрагимда қўрқув пайдо бўлди. Ярим тун сархуш ҳолда уйга келган ўғил онасининг: «Болам, уйга кира қол, ҳозир отанг уйғониб қолади», — дея пичирлашига: «Отам қўлидан келганини қилсин», — дейди важоҳат билан. Бу орада ўғлининг шовқинини эшитган ота ҳовлига чиқади. «Нима гаплиги билан ишингиз бўлмасин, ичсам ўзимнинг пулимга ичдим. Хўш, савол борми?» — дея бақиради ўғил.

Хайриятки, воқеалар ривожи мен ўйлагандек бўлмади. Дафъатан отанинг кўзларидан аччиқ ёш қуйилиб, одатдагидек тарсаки кутиб турган ўғилнинг бўйнидан меҳр билан қучиб олади. Ўғил эса... отанинг тиззаларини қучоқлаб олади. Ота ўзини ўзи сўроққа тутади: «Боламдаги бу нафрат қачон ва нима учун пайдо бўлди?». Жуда ҳам оғриқли савол...

Бу саволга профессор Малик Муроднинг «Ўзбек қадриятлари» китобидан жавоб топгандек бўлдим.

*«Ҳолбуки биз узоқ вақт диний эътиқоддан, халқчил удумлардан юз ўгириб, фақат Ўрусия ёхуд Европа ёки социал мафкура исканжасига тушиб, руҳий меросдан, миллий анъаналаримиздан ажралиб қолган эдик. Қонимизга ёт мафкурани тиқиштириш орқали ота-бола, она-бола муносабатлари, улар орасидаги гўзал ахлоқий муносабатлар ва меҳр-оқибатга раҳна солинди»*, — дейилади унда.

Ҳа, ўтмиш бизга хатолари орқали сабоқ беради. Бизнинг энг катта вазифамиз эса уларни такрорламасликдир.

— Ўша кунни сира ҳам унутолмайман, — ҳикоя қилади юртдошларимиздан бири хўрсиниб. — Талабалик чоғларим эди. Қишлоқда айтган пулимни топиб беролмагани учун отамдан аразлаб Тошкентга қайтдим. Буни қарангки, отам мендан олдин етиб келибди. Сўралган пулни қўлимга тутқазди-да, индамасдан қишлоққа қайтиб кетди. Мен «бу пулни қаердан олдингиз?» дея сўрашга ботинолмадим.

Орадан йиллар ўтди. Ўқишни битириб, оила қурдим. Бола-чақа орттирдим. Ота бўлдим... Аммо...

Ҳозир болаларим ҳеч нарсага зориқмасин деб оғзидан чиққанини муҳайё қиламан. Тарбия беришда хато қилдим шекилли, уларнинг фикрлари жуда саёз. Телефондан ортмайди. Уйда икки мингдан ортиқ китоб бор. Қани бирортаси қўлига китоб олса. Балки вақти келиб невараларим ўқир деб умидланаман. Ҳаммасига китоб ўқимаётгани сабабмикан... Бир куни ўғлим пул сўради. Ўртоғининг туғилган куни экан. Ўн минг сўм берсам, «бу нима бўлади?» дейди. Болаларимга қараб отам кўз олдимга келаверади. Ўшанда отамни қаттиқ хафа қилган эканман...

Сўз мулкининг султони ҳазрат Навоий «Муншаот»ида айтади:

*«Пайғамбар... буюрубтурким, тенгри таоло ризоси ота ризосиға вобастадур ва тенгри таоло ғазаби ҳам ота ғазабиға вобастадур.*

*Бас, киши ота ризосин ҳосил қилса, тенгри таоло ризосини ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазабиға учраса, тенгри таоло ғазабиға учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлғондин сўнгра киши нечук ота ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай...».*

Бундай тавсифдан сўнг шарҳга ҳожат йўқдай...

Бизларни дуо қилиб турадиган ота-оналаримиз ҳамиша соғ бўлсинлар!

**Назира БОЙМУРОДОВА**

Ishonch 2009-yil 18-iyun № 71 (2640)

## Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолиятидан



# Фаолият расмийлаштирилди,

## янги иш ўринлари яратилди

Департаментнинг Олмалиқ шаҳар бўлими ходимлари ўтказган тадбирда фуқаро Х.Ҳасанов ва Б.Қўзиев «Таш-Ква-Транссервис» МЧЖ ҳудудида ҳужжатсиз 3 нафар ишчи ёллаб, яширин равишда шлакоблок ишлаб чиқариш цехини ташкил этганлиги аниқланди. Цехда кунига ўртача 1000 та шлакоблок ишлаб чиқарилиб, ҳар бири 290 сўмдан сотилган. Х.Ҳасанов 2006 йил 1 апрелда қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркор сифатида Олмалиқ шаҳрида рўйхатдан ўтиб, шу йил 31 июлда фаолиятини расман тўхтатган бўлса-да, тадбиркорлик гувоҳномаси нусхаси ва муҳридан фойдаланиб, «Таш-Ква-Транссервис» билан ижара шартномаси ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш бўйича шартнома имзолайди. Тадбир якунида сотувга қўйилган 310.000 сўмлик 1100 та шлакоблок, 1125 кг. цемент, бетон қорувчи ва ғишт қуювчи мосламалар, сув цистернаси, 3 та арава далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Мазкур цех тадбиркори солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олинган ҳамда учта иш ўрни яратилган.

Департаментнинг Чиноз туман бўлими ходимлари томонидан Оқолтин кўчаси 16-уйда яшовчи Дилмурод Холманов давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик билан шуғулланганлиги аниқланди. У туман марказий пиллахонаси ҳудудида яширин цех ташкил қилиб, ёғоч яшиклар ишлаб чиқараётган эди. Р.Сапаевга 4000 та яшикни 3.000.000 сўмга сотган. Цехдаги 4 та қўлбола усулда ясалган ёғоч кесиш ускуналари Д.Холмановнинг тилхати орқали ўзида қолдирилиб, яшиклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу цех солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиб, 5 та иш ўрни яратилган.

**Улуғбек УМАРОВ,**
**департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**

**Сўнгги йилларда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.**

Ҳозирги кунда МДҲ доирасида уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида кузатилаётган мушкул вазият 1988 йили собиқ СССРда кооперация тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан кейин катта миқдордаги давлат воситаларининг (кўп ҳолларда ғайриқонуний хусусиятга эга бўлган) кооператив ва хусусий секторларга ўтказилиши ҳамда сармоянинг тартибсиз ва назоратсиз жамғарилиши билан тавсифланади. Айнан шу омил минтақавий криминал бозорнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатди. Ушбу хуфиёна иқтисод етакчиларининг давлат сиёсатига таъсир ўтказишга уриниши ва давлат функцияларини амалга оширишга тўсқинлик қилиши ҳаммага маълум.

# Хуфиёна иқтисод оқибати



«Пулларни легаллаштириш» («money laundering») атамаси биринчи марта 1980-йилларнинг бошида, наркотиклар савдосининг ҳамда ундан келадиган даромаднинг ўсиши муносабати билан қўлланган бўлиб, ғайриқонуний олинган пулларнинг қонуний пулларга айланиш жараёнини билдиради. 1984 йилда АҚШ президентининг уюшган жиноятчилик бўйича комиссияси бу ҳолни қуйидагича таърифлади: «Пулларни легаллаштириш шундай жараёнки, унинг воситасида даромадларнинг мавжудлиги, ғайриқонуний келиб чиқиши ёки улардан ғайриқонуний фойдаланиш яширилади, сўнгра бу даромадлар қонуний келиб чиқишга эгадек туюлиши учун ниқобланади».

Ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади ҳамда мамлакатга валюта киритилишини чеклайди деган фикрлар мавжуд бўлса-да, реал ҳаётда аксига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ғайриқонуний йўл билан олинган сармоялар ўз йўлидаги барчани коррупциялаштирган ҳолда, бутун иқтисодиёт бўйлаб кенг тарқалади. Худди шу маблағлар ёрдамида банклар, бошқа кредит муассасалари, шунингдек корхона ва ташкилотлар устидан назорат ўрнатилади ҳамда қонуний ва ғайриқонуний пул маблағлари бир-бири билан аралашиб кетади. На ҳуқуқий, на иқтисодий томондан чекланишга эга бўлган, ғайриқонуний йўл билан даромад оладиган шахслар тадбиркорликда ҳеч нима билан оқланмайдиган устунликни қўлга киритадилар.

Ривожланган мамлакатлардаги ноқонуний даромадларнинг легаллаштирилиши сўнгги ўн йилликларда жиддий муаммо бўлиб келмоқда. Масалан, мутахассислар АҚШдаги легаллаштирилган ноқонуний пуллар даражасини йилига 100-200 млрд. доллар миқдорида баҳолайдилар. Халқаро экспертлар эса жаҳондаги «қонунийлаштирилган» жиноий даромадлар миқёси 590 млрд.дан 1,5 трлн. АҚШ долларигача ёки бир йиллик бутунжаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 1,5-5 фоизига тенглигини таъкидлашади.

Пулларни легаллаштириш муаммолари бўйича Махсус молиявий комиссия (FATF) раҳбарларидан бири Э.Янг ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда даромадларни легаллаштириш муаммоси юзасидан Европа кенгашига аъзо мамлакатлар конференциясидаги (Страсбург, 1994 йил 29 ноябр — 1 декабр) нутқида жиноий фаолиятдан олинган маблағларни қонунийлаштиришнинг бир қатор салбий оқибатларини қайд этиб ўтган.

Хуллас, ғайриқонуний фаолиятдан олинган даромадларнинг легаллаштирилиши ҳукумат фаолиятининг беқарорлашишига, фуқаролик жамияти асосларининг емирилишига олиб келади ҳамда давлатнинг хавфсизлигига таҳдид солиб туради.

**Ш.ИМОМОВ,**
**бўлим катта инспектори**

***Юртимизда мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонлар сафи тобора кенгаймоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда катта-кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бораяпти. Уларнинг куч-ғайрати билан халқимизнинг турмуши фаровонлашаяпти.***

# НОҚОНУНИЙ

## фаолият фош бўлди



Аммо тадбиркорликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлар талабига риоя қилмасдан, сохта тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар ҳам учраб турибди. Улар департамент ходимлари ўтказаётган рейдлар ва таҳлилий текширувлар натижасида фош этилмоқда.

Масалан, 2008 йили хусусий тадбиркор М.Ли Тошкент вилоят божхона бошқармасининг «Келес» пости ходимлари, «Blessing brok» МЧЖ декларант фирмаси раҳбари Л.Фомина ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, чет элда ишлаб чиқарилган товарларни мамлакатимизга олиб киради. Уларни Қозоғистоннинг ҳақиқатда мавжуд бўлмаган «Romati» корхонаси орқали олиб кирганлиги тўғрисида қалбаки декларацияни расмийлаштириб, ҳақиқий нархи 8,3 млн. сўм бўлган товарларни 650 минг сўм деб кўрсатиб, 7,3 млн. сўмлик божни тўлашдан бўйин товлаган. Бундан ташқари, М.Ли ва бошқа хусусий тадбиркорлар 2007 — 2008-йиллари ҳам шундай «операция»ларни амалга оширишган. Текширув якунида ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Суд томонидан эса айблов ҳукми чиқарилиб, қонунбузарларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Нодир ХАБИЛОВ,**
**Камол ҲАЙИТҚУЛОВ,**
**департаментнинг масъул ходимлари**

# Доллар сотмоқчи эди...

**Сўнги йилларда юртимизда валюта бозорини эркинлаштириш юзасидан изчил чоралар амалга оширилмоқда.**



Бу борада 2003 йилнинг 15 октябрида жорий операциялар учун сўмни эркин алмаштириш йўлга қўйилганлиги ва мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида валюта алмаштириш шохобчалари иш бошлаганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу билан аввало, ноқонуний валютафурушлар фаолиятига чек қўйилди. Бироқ хорижий валюта алмаштиришни касб қилиб олганлар учрамоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти органлари ходимлари ўтказган тезкор тадбирларда 228 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан 483.715 АҚШ доллари, 3063 евро, 350.231.000 Ўзбекистон сўми, 681.400 Қозоғистон тенгеси, 741.285 Россия рубли олиб қўйилиб, давлат ҳисобига ўтказилди. Хусусан, Ғ.Баҳодиров ва Ҳ.Мирсодиқов Шайхонтоҳур туманидаги Абай кўчасида жойлашган автомобиллар тўхташ жойида харидорга 19.390 АҚШ долларини 31.993.000 сўмга сотаётган вақтида ушланди.

Фуқаролар Г.Давлатов, Е.Савенко ҳам Мирзо Улуғбек тумани Шаҳрисабз кўчасида жойлашган «Paynet» шохобчаси олдида валюта олди-сотдиси билан шуғулланишга жазм қилишган. 4500 АҚШ долларини 7.425.000 сўмга сотишаётганда ноқонуний ҳаракатларига чек қўйилди.

Юқорида номи келтирилган «тадбиркорлар»нинг барчасига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Қонунларни четлаб ўтган кимсаларга жазо чоралари белгиланган. Шундай экан, фақат қонун доирасида фаолият юритганларгина ютқазмайдилар.

**Ш.АБДУЛЛАЕВ,**
**К.ҲАЙИТҚУЛОВ,**
**департаментнинг масъул ходимлари**

# Солиқ юки енгиллашади

***2009 йил 20 февралдан кучга кирган «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисида»ги низом солиқ тизимини енгиллатиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.***

Унга кўра, 2009 йил 1 январдан 2014 йилнинг 1 январигача жисмоний шахс — микрофирма ва кичик корхоналарнинг муассислари томонидан олинадиган дивиденд тарзидаги даромадлар ҳамда юридик шахслар оладиган дивиденд тарзидаги даромадларнинг капиталлашувга, инвестицияларга, аввал олинган кредит учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган қисми солиқдан озод этилади.

Шунингдек, муассисларга дивиденд тарзидаги даромад тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар тўлов манбаидан солиқ ушланмайди ҳамда имтиёз микрофирма ва кичик корхоналар томонидан мустақил тарзда, жисмоний шахснинг имтиёзни қўллаш тўғрисидаги аризаси тақдим этилмаган ҳолда қўлланади.

Умуман, низомда кўрсатилган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун ва соҳага доир бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

**Шавкат ТЎРАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти бўлим катта инспектори**

Саҳифа материаллари обуна бўйича ҳамкоримиз — Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг матбуот гуруҳи билан ҳамкорликда тайёрланди



# ЭКОҲАРАКАТ

## самарали фаолият сари

***Инсоният азалдан турли глобал муаммолар (аксарияти ўзининг ножўя хатти-ҳаракати туфайли)ни ҳал этиш йўлида изланган, жамоа бўлиб курашишга ҳаракат қилиб келган. Шу ўринда дунё ҳамжамияти экологияни асраб-авайлаш, табиатнинг софлигини сақлаш юзасидан амалга ошираётган ишларни мисол сифатида келтириш мумкин.***

Мамлакатимизда бу борада катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2008 йил августда яхши умидлар билан ташкил топган Ўзбекистон экологик ҳаракатининг мақсади табиий муҳитни, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, бу йўналишдаги ғояларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни экологик ёндашув асосида ўтказишдан, умуман, бу борада фидойи инсонларни бирлаштиришдан иборатдир. Илло, бугунимиз ва келажагимиз учун қулай муҳит яратиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Экоҳаракатнинг дастурий вазифаларида экологияни яхшилашда жамоатчилик иштирокини кучайтириш, қонунчиликни янада такомиллаштиришга кўмаклашиш ҳамда уларнинг сўзсиз бажарилиши ва бунинг учун ажратилган маблағларнинг самарали сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш қатъий белгиланган. Шунингдек, у экологик таълим-тарбия, маданиятни юксалтириш, табиий муҳитни асрашда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ҳаракат иштирокчилари бўлган нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳам кўзда тутади.

Айни пайтда глобал ўзгаришлар, биохилма-хилликнинг бой берилиши, сув танқислиги, чўллашиш ҳамда саноат ва маиший чиқиндилар каби қатор экологик муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Ҳақиқатан ҳам бундай долзарб ишларни кечиктириб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек: «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум қилиш билан баробардир».

Атроф-муҳитни асраш, табиат инъомидан оқилона фойдаланиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, ўтган давр мобайнида 30 га яқин қонун ҳамда 350 дан ошиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг бекаму-кўст ижро этилишида Экоҳаракатнинг муносиб улуши бор.

* * *

*1996 йили қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун кучга киргач, саноат, энергетика ва транспортдан атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори 1989 йилдагига нисбатан 2 млн. тоннагача камайди. Стационар манбалардан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдори эса 600 минг тоннага қисқарди. Аввал бу кўрсаткич 1,3 млн. тоннани ташкил этган. Атроф-муҳит муҳофазасида муҳим аҳамият касб этган ҳужжатлардан яна бири «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонун (2000 йил)дир. Унга асосан экологик экспертиза томонидан 44 мингта объектнинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш даражаси аниқланди.*

* * *

— Атроф-муҳит муҳофазаси чегара билмайди. Шу боис Экоҳаракат изчил равишда халқаро жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилаяпти, — дейди Ўзбекистон экологогик ҳаракати координатори Тожиддин Қамаров. — Шу билан бирга, Экоҳаракат чуқур экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашда экологик йўналиш устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, экологик тоза технологиялар, био ва нанотехнологияларни татбиқ этиш, ишлаб чиқаришда экологик инновацияларни қўллашга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, халқаро молиявий институтларни атроф-муҳит муҳофазаси, экологик таълим-тарбияни яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор дастур ва лойиҳаларни инвестициялаш ва кредитлашга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг ноёб табиати халқимиз тарихий меросининг ажралмас қисмидир. Келажак авлодлар учун уни асраб-авайлаш зарур. Бу борада барча манфаатдор органлар ва жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини изчил уйғунлаштириш керак. Табиат қонунларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳам ҳаракат зиммасига катта масъулият юклайди.

* * *

*Ўзбекистон қонунларига мувофиқ, табиат қўриқхоналари қатъий муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бўлиб, уларда табиат йил давомида кузатиб борилади. Табиат ландшафтлари, ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларини табиий аҳволда сақлаб қолиш ва кейинчалик бошқа ҳудудларни улар билан бойитиш қўриқхоналарнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.*

*Бу тизимга умумий майдони 2164 $км^2$. бўлган 9 та қўриқхона, умумий майдони 6061 $км^2$. бўлган 2 та миллий боғ, майдони 12186,5 $км^2$. бўлган 9 та заказник ва битта ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш республика маркази («Жайрон» экомаркази) киради. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 $км^2$. ни, яъни мамлакатимиз ҳудудининг 5,2 фоизини ташкил этади.*

* * *

Хабарингиз бор, 2008 йил 25 декабрдаги «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ Қонунчилик палатасида ўн бешта депутатлик ўрни Экоҳаракатга ажратилди. Шу тариқа, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги институт — депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Бу ҳозирги босқичда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш учун кураш олиб бориш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалалари ғоят долзарблиги билан боғлиқдир.

Айни пайтда, Экоҳаракатга бундай ҳуқуқни беришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, одамлар саломатлиги учун курашиш, бошқача айтганда, сиёсий маслагидан қатъи назар, жамиятнинг барча қатламлари манфаатига бирдек дахлдор муаммоларни ҳал этиш мамлакатимиз учун нақадар улкан аҳамиятга эга экани назарда тутилган.

**Акмал ТОШЕВ**

# Ўзингдан чиққан балоға...



Бағдоднинг Самарқанд қишлоғи чиройли манзараси билан машҳур. Мен шу қишлоқни кесиб оқадиган Сўх дарёсининг зилол сувларидан ичиб катта бўлганман. Киндик қоним тўкилган гўшада оила қуриб, фарзандлар камолини кўриш насиб этаяпти. Кўнгилга хижиллик солувчи ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Табиат илгариги тароватини йўқотган. Буни исботлаш учун шундоқ эшигим олдидаги шарқираб оқаётган ариқ сувини ҳовучга олиб қараш кифоя. Илгари ариқдан сув ичардик. Энди эса қўл чайиш учун ҳам аввал тиндириш керак. Идиш ювишга эса мутлақо ярамайди.

Кунора қувур оғзига қўйилган сеткани тозалаб, бир дунё чиқинди: полиэтилен, пластик буюм бўлаклари ва бир нечта... шприц оламан. Бир марталик истеъмолга мўлжалланган буюмлар бизга қулайлик яратади, лекин наҳотки, улардан фойдаланиш маданиятини, қўйингки, ишлатиб бўлиб қаёққа ташлаш кераклигини уйма-уй юриб тушунтириш керак бўлса?.. Ишга кетаётиб йўл бўйидаги коллекторларга назар солиб, юрагим увишади. Ўнлаб эмас, юзлаб баклашкалар уюлиб қолган. Зах сувларни бартараф этиш учун катта меҳнат эвазига барпо этилган иншоотни инсоннинг ўзи чиқинди билан тўлдириб йўққа чиқарса-я?!

Қишлоқ жойларда ахлат ташлаш учун махсус жойлар йўқ, ҳовлининг бир бурчагида хандақ қазиш одати нимагадир урфдан чиқиб қолган. Энг осони сувга оқизиш... Наҳотки, аёлларимиз бунинг гуноҳ эканлигини билмаса? Айнан аёлларни назарда тутаётганим бежиз эмас. Зеро, хонадонни саришта қилувчи ҳам, чиқиндини саранжом этувчи ҳам аёлда. Агар ҳамшираларимиз ёки уйда тиббий ёрдам кўрсатишни ўрганиб олган опа-сингилларимиз оқила бўлса, ариқларда шприцлар оқармиди?.. Келинлар кўзни шамғалат қилиб супуриндини ариққа ташламаса, қувурлар оғзи беркилиб қолармиди?

Мен бу ҳақда табиат муҳофазасига масъул ходим эмас, оддий инсон сифатида виждоним қийналганидан гап очдим. Глобаллашув, глобал муаммолар деймиз-у ўзимиз майдалигимизча қолаётгандаймиз. Шундай замонда яшаяпмизки, ҳар биримиз табиатга мутахассис назари билан қарашимиз зарур. Бу — давр талаби, ўзимиз юзага келтирган эҳтиёж. Шу эҳтиёж тантанаси учун барча баробар курашадиган вақт келди. Кўчада уч-тўртта одам тўпланганини кўрсам, беихтиёр шу мавзуда гап очаман, давраларда, издиҳомда табиатни асрашга даъват этаман.

— Сизнинг касбингиз шу, гапирсангиз ярашади, — дейишади.

— Йўқ, адашаяпсиз, биродарлар, она ерни, муаззам табиатни авайлашга ҳар бир инсон наинки ҳақли, балки бурчлидир, — дея куюнаман.

Ҳар бир оилада фарзандлар, келин-қизлар, набираларга табиатга меҳр кўрсатиш сабоғи берилмас экан, мутахассисларнинг ҳаракатлари изсиз йўқолиб кетаверади. Дарахтлар хуфёна кесилаверади, ариқларда чиқинди оқаверади.

Гоҳо ўзимни нишонсиз ўқ отаётгандай ҳис этаман. Тарғиботни кучайтириш, маҳаллаларда, айниқса, ёшлар орасида ер юзида рўй бераётган экологик ҳодисалар, табиий офатларнинг сабаблари, табиат билан уйғун яшаш йўллари ҳақида видеофилмлардан фойдаланиб, суҳбатлар ўтказиш зарур. Ҳар қадамда учрайдиган баклашка муаммосини олайлик. Яхна ичимликлар савдоси билан дўконлар ёнида бўш баклашкаларни қабул қилиш пунктлари очилса, сотилган ичимликдан бўшаган идишни қайтариш мажбурий қилиб қўйилса, кўчаларимиз баклашкадан тозаланарди. Мана, масалан, қадоқланган пепси, колалар шишасини топширсангизгина сотиб оласиз, акс ҳолда, идиш баҳосини ҳам тўлашга тўғри келади. Яхна ичимликлар савдосида ҳам шунга эришиш керак.

Бирон-бир неъматнинг қадрига уни йўқотгандагина етиш ғофил бандага хос иллат. Наҳот шунчалар ғофил бўлсак? Ариққа чиқинди ташлашни бас қилиш учун сув танқислиги азобини тортиш шартми?

**Ҳасанбой ЙЎЛБАРСОВ,**
**Фарғона вилоят экологик экспертизаси бош мутахассиси**

Элчин ҲУСАЙНБЕЙЛИ

# ЎТИШ ДАВРИНИНГ ТОВУҒИ

Мен ўтиш даврининг одамиман. Бу даврнинг ҳамма қоидаларига амал қиламан. Электр ҳақининг ҳам тўртдан бирини тўлайман, шунинг учун ҳам учдан бирини ҳисоблагичдан ўчириб ташлайман. Албатта, инсоф билан. Эшикка келган «электрчилар»нинг ҳам бола-чақаси бор. Давлатга ҳам қийин бўлмаса дейман. Тўғри, ўтиш даврига оид функцияларим бу билан битмайди.

Ўтиш даврининг одами сифатида эшик қоққан одамнинг кимлигини билиш учун туйнукдан мўралайман. Чунки бу даврнинг одами уйига келган одамнинг кимлигини билиши керак. Сув, канализация, газ пулини йиғиб юрадиганларнинг ҳаммасини танийман. Ҳар гал битта баҳона билан уларни орқага қайтараман. «Уйнинг эгаси уйда йўқ».

Эшик одамлар учун аксилробита, эҳтимолки, робита воситаси ҳамдир. Яхшиям эшик бор. Бўлмаса, лўлиларга ўхшаб пул йиғиб юрган одамлар кўз очиргани қўймасди. Улар эшик ортида туриб, ўтиш даврининг талабларига мувофиқ менга «ишонадилар». Яъни ишонишга мажбурдирлар. Ўтиш даврининг боласига нима дея олишарди? Нима, биз қонун-қоидани билмаймизми? Уларни ҳам ўзимиз тузганмиз-ку? Ўтиш даврининг конституциясига, депутатларига... ҳаммасига ўзимиз овоз берганмиз. Фуқароларнинг сўз ва мулк эркинлигини ўзимиз қўллаб-қувватлаганмиз.

Баъзан ўтиш даврининг тушларини кўраман. Тасодифан топиб олган бир дипломат долларни сарфлашга тушаман, падарлаънати шунақа тез тугаб қоладики... Одамнинг оч-яланғоч қариндош-уруғи, таниш-билиши бўлганидан кейин шу-да? Кўрган тушларимни хотинимга умуман айтмайман. Бўлмаса, пулни беҳуда харжлаганим учун кунимни кўрсатадики, бунақа тушни кўрганим учун пушаймон бўламан ва бундай туш кўрмасликка қасам ичворишим мумкин.

Пул масаласи — оғир масала. Чунки бизнинг оилада алмисоқдан бери, тўғрироғи, ақлимни таниганимдан буён пул таъминотини тўғри тушунмаганлар ва пулга худди эртакдек қарашган. Шунинг учун бўлса керак, тушимда топиб олган пулларимни ҳам тез сарфлаб юбораман, ҳаммаси эртакка айланади. Мен эса субҳдан шомгача, шомдан яна субҳгача — агар уйда бўлсам — хотинимга келгусида бойиб кетишим, уни пулга кўмиб ташлашим ҳақида мароқли эртаклар айтиб бераман, ишонади бечора.

Гангстерлик амалиёти, олий мартабали одамлар билан учрашувлар, сулув қизлар қуршовидаги базму жамшидлар ҳам тез-тез тушимга кириб туради. Булар ҳаммаси бир оқшомлик роҳатим маҳсулидир.

Мен бунақа тушларни кўп кўраман. Кўрмасам ўзим ташкиллаштираман. Кўпинча кўрадиган тушларим аввалдан тузилган сценарий асосида бўлади. Гоҳида аҳмоқона ҳикоялар ёзиб тураман. Сиз эса уларни соддалик билан ўқиб чиқасиз. Сиёсатчиларнинг дазмолланган гапларини ўқигандан кўра, менинг ёзганларим қизиқарлироқ эмасми?!

Баъзан турли йиғинларга, ҳар хил гуруҳларнинг митингларига шунчаки ҳуштаквозлик учун чиқиб тураман. Эрмак-да буям. Имтиҳонлардан ўтволиш учун домлаларга пора ҳам узатиб тураман.

Ана энди мақсадга кўчдик. Биламан, сиз ақлли ўқувчи сифатида — менинг ўқувчиларимнинг ҳаммаси ақлли одамлар — боядан бери тишингизни-тишингизга босиб, гапнинг индаллосига ўтишимни кутаяпсиз. Тўғри топдингиз, ҳикоям пора ҳақида. Хуллас, бир муддат нафас ростлаб янги сатрга, асосий масалага ўтсак бўлар...



Бир куни эрталаб уйқудан турдим. Гапимни таҳрир қилишга уринманг. Ўзи камдан-кам ҳолларда эрталаб уйғонаман. Бўлмаса, куннинг исталган пайтида кўз очишим мумкин. Бу дафъа эрта турдим. Аниқ эсимда, сут, қатиқ, қаймоқ сотадиган холаларимиз бутун «дўм»ларни бошларига кўтариб, бақириб-чақиришарди. Биз тарафда бу опаларимиз ҳар қандай хўроз ёки будилникнинг вазифасини аъло даражада бажаришади. Қўлим билан оғзимни бекитиб, чуқур эснадим. Одатим шунақа. Ҳазар денгизи устидан кўтарилаётган ҳовурга боқдим. Шаҳар кўчаларида ўтлаб юрган мол-қўйларга қарадим. Беихтиёр қишлоғимизни эсладим. Маза қилиб қичқиргим келди — овозим чиқмади. Қўлимни киссамга солдим. Уйимиз тагидан ўтиб кетаётган аравакашга қарадим. Уям бир вақтлар одам эди, энди аравакаш бўлди. Шу пайт унинг ҳар доим гапириб юрадиган ва мен кўрмаган кабобхонаси эсимга тушиб оғзим сувланди.

Яна чалғиб кетдим. Ўтиш даврида! Мақсадга ўтиш учун аллақаерларга ўтлаб кетишга тўғри келади. Ўша кун эрталаб мени телефонда сўрашди... Йўқ, шу ерда янглишдим. Анчадан бери пули тўланмагани учун телфонни узиб қўйишган. Демак, қўнғироқ эшикники экан. Мен яна одатимга биноан туйнукдан мўраладим. Бу одам янги эди.

Эшик очилиши билан қўлимга бир тилгиром ушлатди... Ҳа, тилгиром экани аниқ. Чунки мен имзо чекиш учун анча вақт қалам ахтарганим эсимда. Кастумимнинг киссаларини ағдариб ташладим. Сумкани ҳам титкиладим. Нима қилай, хотинимнинг қошқалами билан қўл қўйишга мажбур бўлдим.

Эрта уйланса шунақа бўлади. Хотиннинг борлиги ана шундай мушкул вазиятларда қўл келади. Тилгиромда икки оғиз гап бор эди: «Соат учда автобусни кут». Имзонинг кераги ҳам йўқ. Тилгиромни укам жўнатган. Моддий, хотиним айтмоқчи, гуманитар ёрдамни онам юборади. Бу галги ёрдам асосан куркадан иборат бўлиши керак. Шунга келишганмиз.

Ол-а, курка деганим товуқ бўп чиқди. Тўрванинг ичидан кафтдек бир қоғоз ҳам чиқди. Жиянимнинг дафтаридан йиртиб олишган бўлса керак. «Ўлай, сенга, болам, курка тополмадим, кучим шунга етди... Менга қайтишга копток ола келинг». Охирги гапни жияним ёзган. Ажи-бужи ёзувини танийман.

Товуқ ҳам товуқ экан-да! Патлари ҳурпайиб, ранг-қути учиб, тумшуғи худди йиғлашга мойил боланинг лаб-лунжидек бир ёнга осилиб турибди. Худди қизил қалам билан чизилган, ёмғирнинг тагида икки кун тургач, офтобда қуритилган суратга ўхшайди-ей!

Автобус билан уйга қайтаётганимда товуқ қўққисдан тўрвадан учиб чиқди-да, ўзини гаплашиб кетаётган икки қизнинг оёқлари орасига урди. «Бу кимнинг хўрози?», — дейишди... Йўқ, товуқ демадилар. Товуқ бўлса, қизларнинг бутига тиқилармиди? Хўроз-да! Гарчи ноўрин бўлса-да, бу англашилмовчилик менга ёқиб тушди. Қаддимни ғоз тутиб, ғурур билан «меники» деб қўйдим. Юзимдаги табассум уйга етгунимча сўнмади.

Товуқни кўриши билан хотинимнинг лаби чўччайди: «Бу қанақа товуқ ўзи? Пуф деса ўлади-ку, еб бўлармиди буни!». «Ишинг бўлмасин, — дедим, — ҳалиям сен егин деб олиб келганим йўқ». «Ейдиган одамнинг ҳам шўри бор экан». «Ўтиш даврининг товуғи шунақа бўлади», — дедим энсам қотиб.

Ҳаммаси ўша болаларни деб бўлди. Уларга мен пора беролмайман деб айтдим-ку бўлмаса? Ўзи бу курка... йўғ-е, товуқ тарих ўқитувчимизга аталган. Икки кун илгари ётоқхонага курсдошларимдан китоб олиш учун боргандим. «Китобнинг нима кераги бор? — деди курсдошларим. — Уй қурадиган одам тарихни бошига урадими?». Бошқалари ҳам бу гапни қўллаб-қувватлади. «Ундан кўра, юзта-юзта қиламиз, юр. Зачўтканинг ичига битта эллик мингталик қистирсанг, масала ҳал». «Мен пора беролмайман», — дедим. «Унда совға олиб бор», — дейишди. Улар курка олиб боришни маслаҳат беришди. Шайтон йўлдан уриб, уларнинг гапига кирдим.

...Товуқнинг оёғидан кароватга боғлаб қўйдим. Тагига битта газет ҳам тўшадим. Ҳар ҳолда меҳмон, бизникига ҳар куни келиб турибдими? У менга, мен унга термулиб charчамаймиз.

Бир-биримизга ўхшаб кетамиз. Икковимизнинг ҳам ранг-рўйимиз сўлғин. Аёлларга маза. Ҳар қандай қурум босган юзни упа-элик билан эпақага келтиришади. Шўрлик эркаклар. Биз ҳам шунақа қилсак бўлади-ю, лекин дарров шубҳаланиб қолишади. А-ҳа, зўр фикр келди. Товуқниям яхшилаб пардоз қилсам-чи? Одам энг яхши қарорни ўзи билан ўзи гаплашган пайтда чиқаради.

Товуқни қариндошларимиздан ҳам қизғанган ҳаммомга олиб кирдим. Манави хотиннинг шампуни. Бунақа нарсани товуқнинг авлоду аждоди кўрмаган. Лекин хотин кўриб қолса борми?

Ҳозир хотиним дарсда. Бўлғуси дўхтир. Манави лаб бўёғи. Тумшуқларини қизартирдим. Бу бошқа гап. Кейин товуқни иситгичнинг устига қўйдим. Бечора совуқдан дир-дир титрайди. Қишда совуқ урган-да бечорани. Анави хотиннинг фени. Оҳ, зўр бўлди-да! Товуқ эмас, нақ товуснинг ўзи бўлди. Ўзим ҳам у ер-бу еримни тўғрилаб, патлари оппоқ, момиқ, бабоғи, юзлари қип-қизил товуқни қўлтиққа урдим-да, домланинг уйига югурдим. Одамлар унга қараб дедилар: «Кетворган товуқ экан-да ўзиям».

«Ўйинчоқ бўлса керак-да». «Йўғ-е, ана тирик-ку». Қараб-қараб шундоқ сулув... товуқни бергим келмай қолди, лекин на илож? Омонатга хиёнат қилиб бўлмайди. Товуқ – домланики.

Индамайгина борарди жонивор. «Ярим кило бўлса керак», — ўйладим ўзимча. Жуда енгил-да! Ҳа энди... Қишлоқнинг товуғи-да! Буёғи ошпазнинг маҳоратига боғлиқ.

Эрталаб ҳаммадан олдин аудиторияга кирдим. Курсдошлар менинг юзимда қониқиш аломатини кўриб, ишим жойида эканини тушундилар ва маъноли кўз қисдилар. Мен улардан рози эдим...

Маррага ҳам етиб келдик. Домла аудиторияга кирди. Одати шунақа ўлгурнинг. Имтиҳонни ҳамманинг кўз олдида олади. Битта-битта чақириб сўраш йўқ.

Хонанинг у ёғидан бу ёғига юриб, ҳаммани бир-бир кўздан кечира бошлади. Битта оркестр кам. Юришлари шунақа шахдамки... Товуқ ёқибдими дейман. Бардамлиги шундан. Пора одамни шунақа тетик қилиб қўяди.

Аудиториянинг ўртасида туриб, кўзойнаги тагидан юзимга синчков тикилди. Ўзимда йўқ хурсандман. «Албатта мен олиб бордим, домлажон!». Ичимда айтдим буни. Уйидагиларга ҳеч нарса демаган бўлсам-да, ўзи ҳаммасини тушунибди. Менга анча тикилиб тургач, мамнун бош ирғаб қўйди.

Шу пайт кутилмаганда — ростдан ҳам ҳеч ким кутмовди, ҳамма ғалабани мен билан баҳам кўришга ҳозир турарди — домланинг юзи буришиб кетди:

— Кеча анави фоҳиша хотинга ўхшаган пасон товуқни уйимга ким олиб борувди, пичоққа етмай жон берди шўрлик...

**Озарбайжон тилидан**
**Рустам ЖАББОРОВ таржимаси**



**Лямблиоз касаллиги жуда хавфли бўлиб, вақтида даволанмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Лямблиозни келтириб чиқарадиган кичкина паразит юрак, томир, бош мия, тери, суяк-таянч тизимига салбий таъсир кўрсатади, беморнинг меҳнат фаолиятини кескин тушириб юборади. Афсуски, кўплаб беморлар ўзида пайдо бўлган лямблия асоратларини даволайман деб терапевт, невропатолог, дерматолог, гепатолог, хирург, гинеколог каби шифокорларга мурожаат қилади. Аммо беморда лямблия борлиги шифокорнинг ҳам, беморнинг ҳам хаёлига келмайди.**

# Кичкина деманг уни



## Ёки ляблия ва унинг зарари

### Кўзга кўринмас паразит

Лямблия кўзга кўринмайдиган паразит бактериялардан ҳам кичкина, уни фақат микроскоп ёрдамида кўриш мумкин. Лекин бактерияларга ўхшаб улар ҳужайра ичида эмас, балки фақат тананинг маълум бир жойи — ингичка ичакнинг юқори қисмида жойлашади.

Халқимизда лямблия жигарда бўлади, деган нотўғри фикр юради. Лямблия жигарга яқин жойлашган. Шу сабаб ичакдаги оғриқ, ачишиш жигарда пайдо бўлганга ўхшайди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, кўпинча, 70-80 фоиз беморларда лямблиоз ҳеч қанақа белгисиз кечади ва унинг ташхиси тўсатдан, анализ топширганда чиқиб қолади. Тўғрироғи, одам ўз ахлатини текширтираётганида ёки бошқа касаллик билан шифохонада даволанганда лямблия топилади. Фақат 10-15 фоиз беморда лямблиоз ич кетиши, қорин оғриғи, кўнгил айниши, соч тўкилиши, юздаги оқ доғлар, сержаҳллик, иштаҳа йўқолиши билан кечади. Бу лямблия паразити ингичка ичакнинг катта ҳажмини эгаллаганидан далолат беради.

### Юқиш йўллари

Лямблиоз шифокорлар тили билан айтганда «кир қўл» касаллигидир. Хасталик атроф-муҳитнинг нотозалиги, уй ҳайвонлари — от, сигир, қўй, парранда гўнгини тўғри келган жойга ташлаш, ҳожатхонани очиқ жойда қуриш ва унинг оқаётган ариқ сувига қўшилишидан келиб чиқади.

Кўпинча, Тошкентдаги Кайковус, Бўзсув, Ўрда, Қорасув анҳорлари бўйидаги кўплаб хонадонлар уйларидан қувур чиқазиб қўйганлар, ундан чиқиндилар, мағзава, ванна сувлари тўғридан-тўғри анҳорга келиб тушади. Санэпидстанция ходимлари бундай ҳолатнинг олдини олиш учун қанча ҳаракат қилмасин, барибир, одамлар бу ёмон одатдан воз кечмаяпти. Ачинарлиси, ёз ойларида маҳаллалардаги болалар, ўспиринлар шу анҳорларда кун бўйи чўмилади. Бу эса лямблиянинг асосий юқиш йўлидир.

Касаллик яна кир қўл билан саломлашганда ҳам юқади. Шу сабабли лямблиоз бўлмай деган одам қўлини совун билан тез-тез ювиб туриши, бу одатини фарзандларига ҳам ўргатиши керак. Ёш бола кўчадан, мактабдан келадими, биринчи навбатда, қўлини совун билан ювиши шарт. Акс ҳолда... Хасталикнинг юқиш манбаларидан яна бири бозордан харид қилинган мева-чевани ювмасдан истеъмол қилишдир. Мева ва сабзавотлар кўзингизга қанчалик тоза кўринмасин, уларни сотиб олганингиздан сўнг албатта, икки-уч марта яхшилаб ювинг. Болалар ювилган меваларнигина истеъмол қилсин.





### Даволаш

Касалликни келтириб чиқарувчи паразитни йўқотиш осон, лекин уни юқтириш бундан ҳам осон. Юқорида айтилганидек, ушбу касалликни даволаш ҳозирги кунда катта қийинчилик туғдирмайди. Унга қарши қўлланадиган бир қатор дорилар бор, лекин 100 фоиз кафолат берадиган дори препаратини тавсия қиламиз. Бу **тинидазолдир.**

Ушбу препарат тана вазнига қараб (1кг. га 30 мг. дори) берилади. Кўпинча катталар учун 4 таблетка, болаларга 2 та таблетка ишлатилади. Даволаш — 1 кун, шунда лямблия организмни бутунлай тарк этади, ахлат билан чиқиб кетади.

Шу билан бирга самарали даволаш усули — бутун оила аъзоларини лямблиозга қарши даволаш. Унда бу препаратни оила аъзоларининг барчаси бир вақтнинг ўзида истеъмол қилиши керак. Даволаш курси тугагандан сўнг албатта, анализ топшириш лозим.

Кўпинча, даволаниш курсидан сўнг ҳам анализда лямблия аниқланади. Бунинг сабаби генлар диагностикасидир. Бу лаборатория ходимларининг нотўғри ташхисидир.

Албатта, микроскопда лямблияни бактериялардан ажратиш катта тажриба ва маҳоратни талаб қилади. Бундай текширишларни кўпинча, хусусий поликлиникаларда тажрибасиз лаборант қизлар бажаришади, улар хато қилишлари турган гап.

Бундай ҳолатларда одамлар бутун умр лямблиоздан даволаниши мумкин, айниқса, анализлар ва даволаниш пулли бўлганда. Шунинг учун бундай текширишларни махсус поликлиника ва шифохона лабораторияларида ўтказган маъқул.

Кўп мухлисларимиз лямблияларни даволашни уй шароитида ўтказиш мумкинми деган савол беришади. Фақат шифокор назоратида даволаниш мумкин.

### Халқ табобати усулида даволаш

1. 5 грамм қайиннинг бўртиб чиққан шишлари 2 пиёла сувга солиб 15 дақиқа газда, паст оловда қайнатилади. Кунига ярим пиёладан 3 марта ичилади. Даволаниш курси 10 кун, 10 кун дам олгандан сўнг бу яна қайтарилади. Ҳаммаси бўлиб 3 курс даволаниш керак.

2. Қайин баргларидан 20 грамм олиб 2 пиёла қайноқ сувга солинади ва 5 соат дамлаб ўраб қўйилади. Ҳар куни 1 қошиқчадан 2 марта истеъмол қилинади. Худди юқоридаги рецептга ўхшаб 3 курс ўтказилади, ҳар курс ўртасида 10 кун дам олиш зарур.

3. Июл ойининг охири — августнинг бошида қайин дарахтининг шишлари яшил бўлганида йиғиб олиб ювиш керак. Улардан 10-12 тасини катта кастрюлкага ташлаб сув солиш керак. Сув улардан 15-20 см. юқорида бўлиши шарт, кейин паст оловда 8 соат қайнатилади. Пайдо бўлган кўпигини олиб туриш лозим.

Кейин докадан сузиб, қайнатма сувидан мураббо тайёрланади (0,5 литр қайнатмага 0,5 кг. шакар). Мураббо қиёмдек бўлади. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун 2 қошиқдан истеъмол қиласиз.

4. 1 пиёла пўстидан ажратилган қовоқ уруғи хомлигича, бир мартадан истеъмол қилинади. 2 соатгача бирор хил ичимлик ичиш мумкин эмас.

Даволаш курси — 3 кун.

5. 1 пиёлага саримсоқни майда тўғраб, 1 литрлик пластмасса идишга солиб, устидан тўлдириб арoқ қўйиш керак. Аралашиб бўлгандан сўнг идишга 25 грамм майдаланган прополис солиниб бир ҳафта қоронғи жойда сақланади.

Кунига 1 қошиқдан 3 марта овқатдан олдин ичиш керак. Даволаш курси — 2 ҳафта. Уч ойдан кейин даволашни қайтаринг. Ушбу рецепт жуда самаралидир.

Даволаниш даврида гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилинг, фақат шундагина касалликни енгиш мумкин.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор**

Ифтихор



# ЎЗБЕК жанг санъати

**Осиё ва жаҳон чемпионларидан бир нечасига устозлик қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, қатор яккакураш турлари бўйича катта тажрибага эга мутахассис Пўлат Усмонов томонидан янги ишлаб чиқилган «Ўзбек жанг санъати» спорт тури юртимизда жадал ривожланмоқда. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, «Ўзбек жанг санъати»да бажариладиган машқлар буюк боболаримиз, аждодларимиз номи билан аталади. Масалан, «Амир Темур», «Жалолиддин Мангуберди», «Паҳлавон Маҳмуд», «Ат-Термизий», «Имом ал-Бухорий» ва ҳоказо... Спортчиларга усулларни ўргатиш билан бирга боболаримиз ҳақидаги маълумотлар ҳам етказилади.**

Қисқа вақт ичида Пўлат Усмонов муаллифлигида «Ўзбек жанг санъати» китоби ҳам чоп этилгани айни муддао бўлди. Унда спорт тури ҳақида барча маълумотлар, усулларни бажариш тартиби (расмлари билан), қонун-қоидалар мужассамлашган. Ҳар бир аждодимиз номидаги комплекс машқлар у ҳақдаги мухтасар маълумот билан бошланган.

Ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ходимларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда Ўзбек жанг санъатининг аҳамияти катта. Бу санъат ёшларимизни жисмонан бақувват, Ватанига садоқатли қилиб тарбиялайди. Келажакда Ватанимиз Қуролли кучлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига етук кадрлар тайёрлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Чунки камтаринлик, ҳалоллик, сабрлилик, ўзини назорат қила олиш, руҳий жиҳатдан кучлилик каби фазилатлар ушбу спорт турининг асосий талабларидир.

Санаб ўтилган фазилатлар жуда кенг қамровли тушунчалар бўлгани учун уларга бир-бир тўхталамиз.

**САБРЛИЛИК.** Ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: «Сабр қилган, синовларга чидаган одам, албатта ўзининг мақсадига етади ва мукофотига эга бўлади». Бахт қуши ҳам сабр қилган инсон бошига қўнади. Тарихдан маълумки, инсон ўзининг олий мақсадларига фақат меҳнати, ўзига талабчанлиги ҳамда сабр-тоқатлилиги билан эришган.

**ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛА БИЛИШ.** Ўзбек жанг санъати билан шуғулланувчи шахс учун бу фазилат алоҳида ўрин тутади. Чунки спортчи нафақат сиртдан, балки ички дунёсини ҳам назорат қила олиши лозим. Булар, албатта, унинг мусобақалардаги иштирокида ва кундалик ҳаётида намоён бўлади. Мусобақа жараёнида ўз устидан назоратни йўқотиш спортчи учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**РУҲИЙ ЖИҲАТДАН КУЧЛИЛИК.** Бу фазилат кутилмаган вазиятларда учрайдиган хавф-хатар қаршисида намоён бўлади. Ўзбек жанг санъатини яхши ўрганган спортчи доим ҳақиқатпарвар бўлади, адолатга интилади. У ҳақиқат ҳимояси учун ҳеч қандай қўрқув нималигини билмай, сира иккиланмай ва астойдил жанг қилади.

**ҲАЛОЛЛИК.** Қачонки, шогирд Ўзбек жанг санъати асосларини, билимларни нохолис мақсадда ўрганиб борса, устози ва бошқаларга қалбан тескари бўлса, ўз устозидан хизмат кўрсатмаган унвонни талаб қилса, олган билимини ёмон мақсадда ишлатса, ўз сўзининг устидан чиқмаса, бошқалар фикрини тан олмаса, унда ҳалоллик бўлмайди.

Шуғулланувчи ёлғонни ҳақиқатдан ажрата билиши, баъзи ҳолларда ўзининг ноҳақлигини эътироф этиши ва тан олиши лозим.

**КАМТАРИНЛИК.** Камтаринлик инсоннинг олий фазилатларидан биридир. Ўзбек жанг санъати билан шуғулланувчи ёшлар олдига қуйидаги талаблар қўйилади: ҳар доим кибрга барҳам бериш, камчилигини йўқота билиш, ўзгаларга нисбатан камтар бўлиш, доим поклик ва инсонийликни қадрлаш, устоз ва шогирд, кекса ва ёшлар ўртасидаги муносабатга доғ туширмаслик, авлодлардан қолган урф-одатларни ҳурмат қилиш, ўз ишига масъулият ва сидқидиллик билан қараш.

Кўриниб турибдики, миллий анъана ҳамда қадриятларимизни, аждодлардан мерос жасурлик ва мардликни улуғлайдиган янги спорт турининг юрт эртаси учун хизмат қиладиган ватанпарвар ёшларни тарбиялашда ўрни муҳим.

Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш Маркази кўмагида пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида ўтган биринчи мамлакат очиқ чемпионати ёш спортчиларнинг Ўзбек жанг санъатини қизиқиш билан ўрганаётганини кўрсатди.

Яқинда эса Жиззахда вилоят очиқ биринчилиги ташкил этилди. Чиноз туманида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб, Тошкент вилоят очиқ биринчилиги ўтказишга тайёргарлик ишлари қизғин. Июл ойида Қарши шаҳрида «Амир Темур кубоги», августда Марғилонда «Бурҳониддин ал- Марғиноний», сентябрда Андижонда «Заҳириддин Муҳаммад Бобур», октябрда эса Бухорода «Имом ал-Бухорий кубоги» мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб, йирик турнир ўтказиш белгиланган.

Бугина эмас, республика федерацияси томонидан жойларда спортчи ва мураббийлар учун семинарлар ташкил этилмоқда. Алевтина Ким, Лаура Кушимбетова, Сардор Содиқов, Фарҳод Рустамов, Хайрулла Пардаев каби миллий терма жамоа аъзолари Ўзбек жанг санъати усулларини чуқурроқ ўргатиш бўйича Фарғона, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида дарслар ҳам ўтишади.

## Қаршида халқаро турнир

Бир ҳафта мобайнида Қаршидаги марказий теннис кортида аёллар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақада дунёнинг 14 давлатидан 50 нафар ракетка усталари куч синашди.

Халқаро теннис Федерацияси таснифидан ўрин олган нуфузли мусобақанинг яккалик ўйинларида украиналик Кристина Антонийчук, грециялик Эрини Георгатоу, қирғизистонлик Ксюша Палкина, украиналик Анастасия Васильева ярим финалда ғолиб чиқиб, совринли ўринларни эгалладилар. Ўзбекистонлик Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова, Алиса Огородоваларнинг ҳам қўли баланд келди.

Якуний учрашувда грециялик Эрини Георгатоу бош соврин соҳиби бўлди. Жуфтликлар ўртасида туркиялик Кагия Буюкаксой ва Памера Озченлар қаршилигини синдирган украиналик Кристина Антонийчук ва Оксана Калашникова ғолибликни қўлга киритди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Жунри-до



## Синов

***Яқинда Янгийўл шаҳрида жунри-до бўйича халқаро очиқ турнир бўлиб ўтди. Турнир тафсилотлари ҳақида Ўзбекистон жунри-до федерацияси вице-президенти Мирсултон Миржалолов шундай деди:***

— Мусобақа ҳар йили анъанавий тарзда ўтади. Бу йил ҳам кўплаб ёшлар кашф этилди. Рустам Абдураҳмонов, Николай Фрунзе, Фахриддин Патхиддинов, Азиза Дадамуҳамедова, Дилшод Аъзамов, Шоҳруҳ Пўлатов, Акмал Саломов, Шоҳжаҳон Ҳусниддинов шулар жумласидандир. Шунингдек, турнир доирасида Тошкент ва Янгийўл шаҳарлари терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ҳам ташкил этилиб, унда пойтахтликлар қўли баланд келди: **17:6.**

Энди Ўзбекистон чемпионларидан тузилган терма жамоамиз Қирғизистоннинг Иссиққўл шаҳрида ўқув-машғулот йиғини ўтказади. Июл ойида Вашингтонда жунри-до бўйича жаҳон чемпионати ўтиши режалаштирилган. Иссиққўлда жаҳон чемпионатига борадиган таркибни аниқлаб оламиз.

Бокс



# Хитойдан медаллар билан

## Куни кеча Тошкент Халқаро аэропортида музаффар боксчиларимизни кутиб олдик

Шароф Худойбердиев бошчилигидаги миллий терма жамоамиз Хитойнинг Жухай шаҳрида ўтган Осиё чемпионатидан зафар билан қайтди. Қитъанинг 19 давлатидан ташриф буюрган энг кучли «чарм қўлқоп» усталари баҳсида ҳамюртларимиз Санжар Раҳмонов (64 кг) ва Элшод Расулов (81 кг) олтин, Тўлашбой Дониёров (54 кг), Хуршид Тожибоев (57 кг), Сардор Абдуллаев (+91 кг) кумуш медалларига сазовор бўлишди. Умумжамоа ҳисобида хитойликлардан сўнг иккинчи ўрин эгалланди.

*Биз ғолиб спортчиларимизнинг мусобақа таассуротларини сўрадик.*

**Тўлашбой Дониёров, кумуш медал соҳиби:**

— Осиё чемпионатига Тошкент вилояти Янгиобод қўрғонида ҳамда пойтахтимизда ўтган ўқув-машғулот йиғинларида пухта тайёрландик. Бунинг натижаси ўлароқ, чемпионатда муваффақиятли қатнашдик. Финалда хитойлик боксчига очколар бўйича ютқазган бўлсамда, кайфиятим аъло. Олдинда Италиянинг Милан шаҳрида ўтадиган жаҳон чемпионати турибди. Демак, Ватанимиз шарафини янада яхшироқ ҳимоя қилиш учун имконият бор...

**Санжар Раҳмонов, Осиё чемпиони:**

— Ўзим Андижон Олимпия захиралари коллежини тугатганман. Зиёвуддин Тойғонбоев ва Александр Размахов дастлабки устозларим. Мамлакат чемпионатидаги иштирокимдан сўнг терма жамоага жалб қилишди. Бишкекдаги халқаро турнирда совриндор, Хабаровскда эса ғолиб бўлдим. Хитойда тўртта жанг ўтказдим. Дастлаб қозоқ, сўнгра мўғулистонлик, ярим финалда хитойлик, финалда эса эронлик боксчи билан рўбарў келдим. Майдон эгаси билан жанг анча қийин кечди. Унда устозларимнинг кўрсатмаларига амал қилиб, ғолиб чиқдим.

Бу Хабаровскдаги турнирдан сўнг қатнашган энг катта мусобақам.

**Элшод Расулов, уч карра Осиё чемпиони:**

— Мазкур Осиё чемпионатида илк бор ўзимни янги — 81 кг. вазн тоифасида синаб кўрдим. Бу вазндаги рақибларни билмасдим. Уларни кўрдим, жанг олиб бордим. Яна бир эътиборли томони, қитъа чемпионатидаги жанглар уч дақиқадан уч раундда олиб борилди. Бу икки дақиқалик ҳамда тўрт раунд давом этадиган баҳслардан анчайин фарқ қилади. Яъни, спортчидан яхши жисмоний тайёргарлик талаб қилинади. Яхши тайёргарлик кўрганимиз учун ғолиб чиқдик. Икки нафар вакилимиз финалда майдон эгаларига бой беришди. Ахир «Ўз уйингда деворлар ҳам суяйди», дейишади-ку.

Олдинда Италиянинг Милан шаҳрида ўтадиган жаҳон чемпионати. Ушбу мусобақада яхшироқ натижа қайд этиш учун бор эътиборни қаратамиз.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон енгил мебел саноати ва коммунал-маиший, хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят вакилликлари ва Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кенгаши Самарқанд вилоят ҳокимлиги Уй-жой, коммунал хўжалиги тизимида ислоҳотларни амалга ошириш Департаменти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси, меҳнат фахрийси

**Толиб ХАЛИЛОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси Зиёвуддин Тўлагановга падари бузруквори

**ҒАНИ ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Тошкент вилоят тармоқ кенгаши Кенгаш ташкилий бўлим мудири Жамолиддин Мусаевга турмуш ўртоғи

**МАЪРИФАТХОН**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«Кимгадир ёқар лола, ким атиргул шайдоси...» деганларидек замонамизда телевизор томоша қил(ади)ган киши борки, унинг ҳамиша бирдай ёқтириб кўрадиган филми бор: біровга ҳаётий, яна кимгадир фантастик, ўзга кишига эса комедия филмлар ёқади. Аммо... шундай киноасарлар ҳам мавжуд: ҳар гал экранда пайдо бўлиши билан кўпчилик бирдай севиб томоша қила бошлайди, қайта-қайта кўрса ҳам сира зерикмайди. Бунинг сири нимада экан? Самимиятми ёхуд асар мазмунида умумий жиҳат борми? Унисини билмадик-у, бироқ бу доирадаги кинофилмлар саноқли. Шунинг учун ҳам ўқувчиларимизга ана шундай миллионлаб қалбларни забт этган киноасар завқини яна бир бор эсла(ти)ш учун ҳам «РЕТРО» саҳифасини ташкил қилишни ниятладик. «РЕТРО» сиз орзиқиб кутадиган саҳифага айланишидан умидвормиз, азиз ўқувчи!**



# «Чито гверито чито маргалито...»

*Мера мамхэрэбс удзиро зецаг, замбахис твери,*
*Ту мэмхис мгери ту севдиано маица мгери.*
*Мера мамхэрэбс вардэбис сутква какачос пери*
*алвад симгэра туда манатлес ххода мэц мгэри.*

*чито гверито чито маргалито да*
*чито гверито чито маргалито да*

*Чеми симгэра ам зем ам халхма ам зецам шоба.*
*Роса мгэрива шоридан матбобс чеми бав швоба.*
*Роса мгэрива мэчем смом авам, сиберес тхеда*
*даукид тхавад гудши шэмо дис парули севда.*

*Чито гверито чито маргалито да*
*чито гверито чито маргалито да*

*Чеми симгэра мтебма масцавлес чите бис твена.*
*Асэ мгогия ам сим геребит ави дгиета*
*Рогор цам бобем си соцхлис болос ту мгери сгети*
*Симгерит мопо дэраха винатро ама земети.*

*Чито гверито чито маргалито да*
*Чито гверито чито маргалито да*

Одам ҳамиша эрк истаб яшайди. Унинг табиат ва жамиятдаги ҳар бир хатти-ҳаракатидан мурод — озодликка эришиш!

Бундан 32 йил муқаддам Виктория Токарева ва Резо Габриадзе сценарийси асосида режиссёр Георгей Данелия осмонга сиғмаган инсон ҳақидаги филмга қўл уради. Асарда ўз даврининг икки буюк актёри — Вахтанг Кикабедзе (Мимино) ва Фрунзик Мкртчян (Рубен Хажикян) асосий ролларни ижро этишади. Филмда ҳам анъанавий уч қирра мавжуд: Рубекжон — Валикжон <=> Лариса Ивановна...

Асарга тўхталмоқчи эмасмиз.

Фақат биласизми-йўқми, ҳайтовур, ушбу филмдан оз эмас-кўп эмас, нақ саккизта эпизод қирқиб ташланган. Шулардан бири — Мимино ва Рубекжон меҳмонхона лифтига киришганда, у ерда бир-бирига худди эгизаклардек ўхшаш японларни кўришади. Японлар эса буларга қараб, ажабланади: «Бу русларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшар экан-а...».

Шунингдек, филмнинг охири бутунлай қирқиб ташланган. Хабар топишимизча, унда қишлоқ темирчиси билан боғлиқ авж саҳна бўлган экан.

Шунга қарамай «Мимино» катта экранларни тез забт этади. Одамларга инсон... ҳар қандай шароитда ҳам инсонийлигини сақлаб қолиши лозимлигини эслатган киноасар 1978 йили совет прокатида 17-ўринни эгаллаб, 24,4 млн. томошабин йиға олади. Ундан ташқари Москва кинофестивалида (1977 й), Еревандаги Бутуниттифоқ кинофестивалида (1978 й), Авеллино (1979 й)... катта экранларида намойиш этилади.

Айниқса, филмга танланган қўшиқ (бугунги тил билан айтганда, soundtrack) жуда машҳур бўлиб кетади. Петрэ Грузинский сўзи ва Гия Канчели мусиқаси бўлган «Чито гверито...»ни афсонавий грузин санъаткори Вахтанг Кикабедзе маромига етказиб ижро этган.



**Куйламоққа мени нима ундайди,**
**чексиз фалакми, ё мойчечак-қирлар?**
**Шодлик куйлибос-ла бағрим ўрайди,**
**Ғамгинлик куй билан борлиғим қамрар.**
**Куйламоққа мени нима ундайди —**
**Гулгун атиргулнинг хушбўй ифори.**
**Балки алёр билан чўқинтирилган**
**таним, руҳим доим қўшиқ куйлайди.**

**Қушгинам-эй, қушгинам, марварид инжугинам**
**Қушгинам-эй, қушгинам, марварид инжугинам**

**Қўшиғимда порлар қуёш, одамлар,**
**Самовий туғилиш — муқаддас дамлар.**
**Қачонки куйласам, ёниб, чилпиниб,**
**куйимда бўй берар олис болалик.**
**Қачонки куйласам, титроқ-ла ёлқиб,**
**ёвуқроқ кўринар нурли кексалик.**
**Ва мендан бесўроқ, бесўз, беизн**
**маъюслик қалбимга ўрмалар секин.**

**Қушгинам-эй, қушгинам, марварид инжугинам**
**Қушгинам-эй, қушгинам, марварид инжугинам**

**Қўшиқларим менга тоғни ўргатди,**
**қушлар сайроғи-ла боғни ўргатди.**
**Сўзламоқ илмини ўргандим куйлаб —**
**Яшашга энг мақбул чоғни ўргатди.**
**Оққуш парвозининг сўнгги онида**
**борлиғин парвозга эврилтирган дам.**
**Мен ҳам ҳаётимнинг бори-борича,**
**қўшиқ куйлаб, куйлаб, куйлаб ўтаман.**
**Қўшиқ-ла яралдим, қўшиқ-ла ўлгум,**
**Ундан ортиғини истамас кўнглим.**

**Қушгинам-эй, қушгинам, марварид инжугинам**
**Қушгинам-эй, қушгинам, марварид инжугинам**

## Филмдаги кўнгилга яқин лавҳаларни яна бир бор эсласак:

*...Жисмлар ёзда кенгайиб, қишда торайди. Ҳозир — ёз. Шунинг учун калланг кенгайган, эртага қиш бўлса, шапка бошингга лойиқ келади...*



*— ...Менга қара, анови унинг ойисимиди?*
*— Қайси?*
*— Анови-чи... ашула айтган?*
*— У ердагиларнинг ҳаммаси ашула айтди...*
*— Йўқ, анови-чи, ўлиб қолган?..*
*— У ердагиларнинг ҳаммаси ўлиб қолди-ю...*
*— Йўқ, қизил кўйлакли-чи?.. Мановинақа... семиз...*
*— Ахир у дирежёр эди...*

**— ...Валикжон, шаҳарда нима қиласан... юр, бизникига борамиз. Ойим дўлма пишириб беради. Сен дўлмани яхши кўрасанми?**
**— Йўқ.**
**— Сизларда дўлма пиширишни билишмайди-да... шунинг учун ҳам уни ёмон кўрасан...**
**— Бизнинг Дилижондаги сув шундай ширинки, дунёда иккинчи ўринда туради...**
**— Биринчиси, ҳойнаҳой, Ереванда бўлса керак, а?**
**— Йўқ. Сан-Францискода...**



**— ...Валико, итингга айт, ташқарига чиқсин. Ўзи, ҳаво етишмаяпти...**
**— Зарбазан, бир оғайнилик қил...**

— ...Хоҳлайсизми ҳозир самолётдан ўзимни ташлайман...
— Йўқ, хоҳламайман.
— Мен эса... хоҳлайман.

— ...Сиз учувчи экансиз, а?
— Гоҳида... умуман эндокринологман...

...Оғайни, сенга бир ақлли гап айтаман, фақат хафа бўлмайсан...

**— ...Бўлиб ўтган можаро ҳақида бирор нима дея оласизми?**
**— Ҳаммасини айтиб бероламан. Анови...**
**— Жабрланувчи.**
**—...жабрланувчи эшикни очди, Валикжон бўлса...**
**— Айбдор.**
**—...айбдор унга «яхшимисан, азизим» деди. Жабрланувчи эса «кечирасиз, ҳозир ҳожатхонага шошиб турибман» деди. Хотини эса кўчага югуриб чиқиб, «милиция-милиция» дея бақира кетди. Валикжонга мен «юр, уйга кетамиз» дедим. Бирга кетдик.**
**— Демак, сиз, айбдор жабрланувчини урмади деб тасдиқлайсиз?**
**— Ҳа-да,ургани йўқ. Ахир у ҳожатхонага кириб кетди-ю... Валикжон бўлса... эшикни бузолмади...**
**— Демак, у эшикни бузмоқчи бўлган?**
**— Нимага, энди... бузаркан?..**
**— Ахир, ўзингиз айтдингиз-ку!**
**— Менга қаранг... сизларга яхши тушунтиролмадим, шекилли... У бориб ҳожатхонанинг эшигини тақиллатди: «қистаб қолди, тезроқ чиққин» деб... Шундай саволлар бераяпсизки... жавоб беришга ҳам уялади... киши...**
**— Гувоҳ Хажикян, хўш, қандилни айбдор синдирдими?**
**— Ҳа-а... синдиргандан кейин синдирди деймандa... Уйга кетаётганимизда... бехосдан стул тегиб кетиб... синдирди...**
**— Гувоҳга саволим бор. Мумкинми? Раҳмат. Айтингчи, айбдорнинг жабрланувчига шахсий хусумати бормиди?**
**— Ҳа-а... бор эди. Ўзи менга айтувди: мана шу нусхага нисбатан шахсий хусуматим шу даражада зўрки, уни кўрганда... иштаҳаларим бўғилиб кетади, деб...**
**— Аммо айбдор илгари Попиашвили билан таниш бўлмаганман деб айтаяпти...**
**— Эй-й, қанақасига таниш бўлсин! У ҳожатхонага кириб кетганда Валикжон мендан сўради: «Оғайни, ким ўзи бу одам... бу жабрланувчи? Қаёққа кириб кетди? Нега кириб кетди? Уни мен биринчи марта кўриб туришим», — деди...**

**УМИД тайёрлади**

## Изоҳи сиздан...





Қорин тўқ-да, эҳ аттанг,
Мен нима ҳам қилардим.
Йўқса, ҳозир иккисин,
Мазза қилиб еярдим.

* * *

Қўрқишмайди, мушукдан
Кўнгиллари тўқмикан?
Учрашишга бошқа бир
Скамейка йўқмикан?

Асадулло МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган уюшмалари қўмитасининг раиси

* * *

—Чақирган экансиз, домла...

— Мен сизларга айтсам, жужуқларим, бу даргоҳдан ҳеч ким норизо кетмаслиги шарт!..

Диёрбек ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Юқори Чирчиқ тумани



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

## Бозорга бордим бир куни...




Рассом Ҳусан СОДИҚОВ

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: mail@ishonch.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳҳиҳ - С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г—557 Тиражи: 18263

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 19.00

Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8